

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси
Раиси ўринбосари С.Эшматовнинг 2022 йил май ойи учун
фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга
эришишни баҳолашнинг асосий мезонлари

(ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва солиқ қарзини қисқартириш масалалари)

Эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган кўмакни мониторинг қилиш ва доимий даромад манбаини яратиш йўналишида **2022 йил май ойида** 367 та доимий даромад манбаи яратилди. Бу белгиланган режага нисбатан 117,7%ни ташкил этади.

Бундан ташқари, **2022 йил май ойида** солиқ қарзини ўтган ойга нисбатан 10 фоиз қисқартириш чораларини кўриш йўналишида белгиланган режа 154,6% га бажарилди. (режа 500 млрд сўм).

2022 йил май ойида “Темир дафтар”га киритилган оилаларни рўйхатдан чиқариш чораларини кўриш бўйича ишларни бажариш даражаси 131,7 %ни ташкил этди. Яъни 400 га яқин оила “Темир дафтар”дан чиқарилди.

Яширин иш ўринларини легаллаштириш ҳисобига даромад солиғи тўловчилари сонини ошириш бўйича режа 101,3%га бажарилиб 40 минг нафардан ортиқ солиқ тўловчи фаолияти расмий секторга ўтказилди.

«Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши эса 100%га бажарилди.